

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ АЛО 3-18

201 7 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Ўрта махсус таълим вазирлигининг

2017 йил 17.05 даги

АЛО 3-18 сонли буйруғи билан  
таъинланган.

**“Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили ва адабиёти)”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2017



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗДЖТУ ХУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ  
ИННОВАЦИЯВИЙ МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг  
2017 йил 10.08 даги 4 - сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули:  
с.ф.д., проф. И.Оргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.  
“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”  
модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева,  
п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.Исянова.  
“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н. доц.  
Х.Холмедов, ф-м.ф.н. доц. Д.Иргашева, к.ў.В. Ҳамидов.  
“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия  
Кенгашининг таққи мутахассислари, к.ў. У.Гиясова.  
“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули:  
ф.ф.д., профессор Р.С.Самаров, пс.ф.н. Х.М.Алимов.  
Махсус фанлар бўйича: ф.ф.д., проф. Д.С.Қўлмаматов, ф.ф.д.,  
проф. А.С.Лиходзиевский, ф.ф.н., доц. Н.М.Петрухина, п.ф.н.,  
доц. Е.А.Лагай

Тақризчилар: Хорижий эксперт: ф.ф.н., доцент Г.Т.Гарилова (Россия)  
Латипов О.У. – ф.ф.н., доцент Низомий номидаги ТДПУ

Ўқув дастури ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий - методик кенгашида  
тасдиқланган (2017 йил \_\_\_\_\_ ги \_\_\_\_\_ - сонли баённома).

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли қароридан белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Хорижий тилларни ўқитишда инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш**

3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Хорижий тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

5.2. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлилларни қўллаш.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Замонавий адабий жараён: муаммо ва шакллар.

6.2. Рус тили ўзга лингвомаданий муҳитда.

6.3. Рус палеографиясининг методик аспекти

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг ва зифаларига қуйидагилар киради:

“Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **- Тингловчи:**

- рус тилининг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихини;

- рус тилининг европа ва шарқ тиллари билан бўлган ўзаро муносабати натижасида уларнинг лексик катламнинг бойиш тарихини, ҳозирги ҳолатини;

- ўзлашма сўзлар билан боғлиқ терминларни (“экзотизм”, “вкрапления”, “калька”, “полукуалька”, “старославянизм”, “тюркизм”, “компози́ты”, “жаргонизм”);

- ўзлашма лексик бирликларнинг белгиларини ва уларнинг фонетик, семантик ва морфологик мослашувини билиши керак.

#### **Тингловчи:**

- ўзлашма лексик бирликларнинг рус тилиги кириб келиш даврларини аниқлаш:

- ўзлашма лексик бирликларни уларнинг белгилари асосида аниқлаш;

- ўзлашма лексик бирликларнинг фонетик, семантик ва морфологик мослашувини билиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- тегишли билим соҳалар ва ўқитиш услублари;
- давлат таълим стандартлари талабларини таъминлашга оид керакли ва асосий таълим дастурида режалаштирилган малакаларга эга бўлиши;
- замонавий ахборот-кидирув технологиялари ёрдамида мустақил излаш ва таҳлил қилиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- фанлар бўйича замонавий ўқув дастурлари, курслари, методик ва дидактик материаллар ишлаб чиқиш;
- дарсликлар, ўқув-услубий адабиётни таҳлил қилиш, ажратиш, хабардор бўлиш;
- ахборотларнинг кўшимча манбаларини, шу жумладан интернет-ресурслар тавлаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Курс хажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкласи ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasибилан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **“Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили ва адабиёти)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

#### **1.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия.**

Мустақил демократик тараккиёт ва жамият ривож. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг мазмун моҳияти. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг”. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий



таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар, “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом, Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Магистратура тўғрисида”ги Низом, “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий курсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123 -сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик жодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциални баҳолаш мезонлари.

### 2.2. Рус тили ва адабиётини ўқитишда инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар.

Хорижий тил бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда инновацион технологиялар ва унинг сифатини таъминлаш борасида илгор хорижий тажрибалар, турли ёндашувлар. Хорижий тилни ўқитиш бўйича инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Хорижий тил таълимида тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-хорижий тил таълимида натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Хорижий тил бўйича талабалар билимини баҳолашнинг ассисмент технологиялари.

### **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (iSpring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган холда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармогининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган холда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

#### **3.2. Хорижий тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари.**

АТ ва платформалар, аппарат ва дастурий воситалар. Компьютер ёрдамида тил ўрганиш (CALL). ПК ва планшетлар, жумладан Windows ва Android орасидаги фарқ ва хусусиятлар. Тармоқлар хақида умумий тушунча ва интернетга уланиш масаласи. Мультимедия компонентларини смартфонлар ёрдамида яратиш ва таҳрирлаш (Расм, видео, аудио) Мультимедия компонентларидан PowerPoint ва унинг iSpring қўшма-модули ёрдамида интерактив flash-дарслик яратиш.

Исталган смарт-қурилмага зарурий апп'лар ва улардан фойдаланиш, Any.do, Evernote, Journey, ES File explorer, MoonReader, Google Translate, Google Maps, ShareIt, SwiftKey, GoldenDict программаларини таҳлили қилиш

Google ёрдамида маълумот кидириш илғор услуги, Google Translate, Google Scholars, ESLbasics, Many Things, and BBC Learning English каби сервислардан фойдаланиш.

Google Drive'да файллар сақлаш; Google Docs/Sheets/Slides'да ҳамкорликда ҳужжатлар ва тақдимотларни ишлаб чиқиш; Google Forms орқали сўровномалар ишлаб чиқиш ва ташкил этиш; Google Hangouts

ёрдамида видеоконференциялар ташкил этиш; Google+ оркали виртуал мулоқот муҳитини ташкил этиш.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти. урф-одатлари. анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва хоказо) ижтимоий ҳаётга доир. таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш. Ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

##### **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилни амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар

ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

## 5.2. Рус тили ва адабиётини ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлилларни қўллаш.

Хорижий тилларни ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Хорижий тилларни ўқитишда стилистик тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлиллар методологияси. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлилларнинг йўналишлари. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Хорижий тилларни ўқитишда стилистик ва тизимли услуб ва тизимли ёндашув. Хорижий тилларни ўқитишда аналитик тадқиқотлар асосида тизимли ва стилистик таҳлилларни ташкил этиш. Хорижий тилларни ўқитишда аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлилда микдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Хорижий тилларни ўқитишда талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли ва стилистик таҳлили. Стилистик бўёқ ва фигураларнинг стилистик таҳлилдаги ўрни. Стилистик таҳлил тизимли таҳлилнинг муҳим таркибий қисми сифатида.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Замонавий адабий жараён: муаммо ва шакллар.

Замонавий адабий жараён. 1990-2010 йиллардаги адабий жараённинг асосий босқичлари. Адабий жараённинг коммерциялаштириш муаммолари. Замонавий рус адабиётида муаллифлар орасидаги адабий гуруҳлар ва уюшмалар. Сўнги ўн йилликдаги ажойиб муаллифлар.

Замонавий рус постмодернизми. Замонавий адабиётнинг энг таникли йўналишининг манбаи. Рус постмодернизмини намоен қилувчи машҳур муаллифлар. Постмодернизм. “Адабий бестселлер” тушунчаси. “Машҳур ёзувчи” феномени. Замонавий рус адабиёти ютуқлари соҳасидаги мукофотлар.

Замонавий рус прозаси. Асрлар оралигидаги прозада футурологик моделлаштириш. Турли, асосан постмодерник ва реалистик, антиутопияларнинг пайдо бўлиши. Ёзувчилар ижодида дунёнинг ривожланишидаги номақбул ва ҳавfli тенденциялар.

Замонавий рус поэзияси. Асрлар оралигидаги шеърятда уч асосий мавзу: XX асрнинг ва мингйилликнинг натижаларига хулоса чиқариш, замонавий адабиётни баҳолаш, ривож топадиган кадрятларни тасдиқлаш.

Замонавий рус драматургияси. Рус постмодерник драматургия (Л. Петрушевская, Н.Садури). Замонавий рус драматургиянинг “физиологик чизиги”(Н. Коляда, Д. Липскеров). «Театр.doc» ва унинг ҳосил қилиш шакллари(И. Вырыпаев, В.Сигарев ва бошқаларнинг ижоди).

Моноспектакллар (Е.Гришковец) ва замонавий рус комедияси (ака-ука Пресняковлар пьесалари).

### 6.2. Рус тили ўзга лингвомаданий мухитда.

“Рус тили ўзга лингвомаданий мухитда” курсининг мақсади ва вазифалари. Рус тили: тарих ва ҳозирги замон. Қадимий рус тилининг келиб чиқиши. Рус тили жаҳон тилларининг бири сифатида.

Умумславян сўзлар. Шарқ славян тилларидаги сўзлар. Рус тилига хос сўзлар. Экзотик сўзлар. Интернационал сўзлар.

Рус тили луғат қатламида эски славянизмларнинг пайдо бўлиши ва ўрнашиши. Эски славянизмларнинг фонетик белгилари. Эски славянизмларнинг сўз ясалиш белгилари. Эски славянизмларнинг рус лексикасидаги ўрни.

Рус тили лексикасининг шаклланишида юнон ва латин ўзлашмаларининг ўрни. Юнон ва латин ўлашмаларининг рус тилига кириб келиш тарихи. Юнон ва латин ўлашмаларининг белгилари.

Рус лексикаси таркибида Ғарбий Европа тилларидан - инглиз, немис, француз, голланд ва италян тилларидан ўзлашган сўзлар.

Рус лексикаси таркибида шарқ тилларидан – араб, форс ва турк тилларидан ўзлашган сўзлар.

Рус тилида ўзлашма сўзларнинг мослашуви: фонетик, график, лексик, семантик, грамматик. Рус тили таркибида лексик калькалар.

Марказий Осиё рус адабиётида турк тилларидан ўзлашган лексик бирликлар. Лексик туркизмлар. Стилистик туркизмлар. Этимологик туркизмлар. Худудий (регионал) туркизмлар.

Ўзбек тили лексикасининг бойишида рус тилининг роли. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида рус тилининг ўрни. Рус сўзларининг ўзбек тилига кириб келиш тарихи. Русча ўзлашмаларнинг ўзбек матбуоти ва бадий адабиётидаги ўрни. Ўзбек тилди русча терминлар.

### 6.3. Рус палеографиясининг методик аспектлари

Палеография ёрдамчи манбашунослик фани сифатида, унинг мақсад ва вазифалари. Палеография ва рус тили тарихи. Палеография ва матншунослик рус адабиёти тарихида. Палеографик ёзув усуллари: китоб-модда, саводхонлик ва устунли кўринишлари.

Кириллга асосланган ёзувнинг ривожланиши. Палеографик ёзувнинг турлари ва уларнинг умий тавсифи. Низом ёзв тури сифатида. Низомнинг асосий белгилари. Қадимги рус палеографик матнлари, уларнинг ўқилиши ҳамда қадимги славян тили тарихи, рус тили ва рус адабиёти тарихи ўқув курсларида ўрганилиши. Кичик низом-ёзувнинг бир тури сифатида, унинг асосий белгилари.

Қадимги рус ва югослав полуустави. Ёзувнинг тавсифи ва пайдо бўлиш тарихи. Тез ёзиш-ёзувнинг бир тури сифатида, унинг асосий белгилари ва усуллари. Тез ёзувга асосланган ёзма ёдгорликлар. Палеографик

изохлиёзугга асосланган матнларнинг рус адабий тилида ўрганилиши. Қадимги қўлёзмаларнинг графикли ва графиксиз элементлари, тиниш белгилари, чизикли ва нотали белгилари.

Сонларнинг ифодаланиш усулари, воситали ва воситасиз саналар. Индикт. Қўлёзманинг бадий жихатдан расмийлаштириш. Туқима, орнамент, инициал ва ҳкз. Иллюстрация. Неография-палеографиянинг янги кўриниши сифатида. Қўлёзмалар-санъат асари сифатида.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларнинг ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти куйидагитаркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа таракқиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модуллارни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

### **Адабиётлар**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». – Т.: 2008. – 176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: “Ўзбекистон”. – Т.: 2011. – 440 б.
5. Каримов И. А. Мечта о совершенном поколении. Сборник. – Т., 2004.
6. Каримов И.А. Каримов И.А. Узбекистан на пороге достижения независимости. – Ташкент, 2011.
7. Каримов И.А. Последовательное продолжение курса на модернизацию страны – решающий фактор нашего развития. – Т.: «Узбекистан», 2010. – 32 с.
8. Каримов И.А. Путь нашего народа – это путь независимости, свободы и глубоких реформ. – Ташкент: Узбекистан, 1996.
9. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Ташкент: Шарк, 1997.
10. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. – Ташкент: Marifat-Madadkot, 2001.

#### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.



3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 278-сонли Қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар

1. Бабенко Л. Г., Казарин Ю.В. Лингвистический анализ художественного текста. Теория и практика: Учебник; Практикум. - 5-е изд. М.: Флинта: Наука, 2008.
2. Болотнова Н. С. Филологический анализ текста: учеб. пособие. – М.: Флинта: Наука, 2007.
3. Буслакова Т. П. Современная русская литература: тенденции последнего десятилетия. – М.: Высшая школа, 2008.
4. Зарубежная литература XX века. – М.: Академия, 2003.
5. Иванова Н. Точка зрения. – М., 1998.
6. История зарубежной литературы второй половины XX века: учебник/ Яценко В. М. - М.: Флинта: Наука, 2012.
7. История зарубежной литературы XX века. - М., 1990.
8. История русской литературы XX века. Хрестоматия. – М., 2005.
9. Каневская М. История и миф в постмодернистском русском романе / М.Каневская // Изв. Акад. наук. Сер. лит. и яз.- М, 2000.- Т. 59.- № 2.
10. Кузьмина С. Ф. История русской литературы XX века: Поэзия Серебряного века: Учебное пособие. – М.: Флинта: Наука, 2004.
11. Лейдерман Н., Липовецкий М. История русской литературы второй половины XX века. 3 части. – Екатеринбург, 1999.
12. Луков В. История литературы. Зарубежная литература от истоков до наших дней. - М.: Академия, 2008.
13. Минералова И. Г. Русская литература Серебряного века. Поэтика символизма. – М.:Флинта: Наука, 2008.
14. Скоропанова И. С. Русская постмодернистская литература. – Кемерово, 2002.
15. Хализев В.Е. Теория литературы. - М.: Высшая школа, 1999.
16. Черняк М. А. Массовая литература XX века: учеб. Пособие. – М.:Флинта, Наука, 2007.
17. Эпштейн М. Постмодерн в России. Литература и теория. – М., 2000.

18. Абдуазизов А.А., Зализняк А.М., Шереметьева А.Г. Общее языкознание. – Ташкент, 2012.
19. Арефьев А.Л. Русский язык на рубеже XX-XXI веков. — М., 2012.
20. Вахтин Н.Б. (ред.) Социолингвистика и социология языка. Хрестоматия. – СПб., 2012.
21. Винокур Г.О. Введение в изучение филологических наук. – М., 2000.
22. Кулмаматов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы XVII в. (Грамоты. Челобитные) – М.: МПГУ, 1994.
23. Саъдулаев Д.С. СМН: Язык. Стиль. Толерантность – Ташкент, 2005.
24. Современный русский язык: Фонетика. Лексикология. Словообразование. Морфология. Синтаксис / Под общ. Ред. Л.А.Новикова. 4-е изд., стереотип. – М., 2003.
25. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. – М.: ЭКСМО, 2010.
26. Кулмаматов Д.С. Об источниковедческом аспекте в преподавании истории разносистемных языков // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2013. – № 2.
27. Мечковская Н.Б. Общее языкознание: Структурная и социальная типология языков. – М., 2001.
28. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. – М.: «Прогресс», 2007. – Т. I-IV.
29. Юналеева Р.А.Тюркизмы русского языка (проблемы полиаспектного исследования). – Казань, 2000.
30. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент, 2003.
31. Ахмедова Л.Т. Передовые технологии обучения языкам и практика их применения. – Ташкент, 2009.
32. Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов. – Ташкент, 2009.
33. Крачак О.Е. Личностно-ориентированные технологии в общей классификации технологий обучения и воспитания. – Минск, 2002.
34. Кукушкин В.С. Педагогические технологии: Учебное пособие. – Ростов на Дону, 2002.
35. Магдиева С.С. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. – Ташкент, 2010.
36. Методы изобретения знаний и инновационных проектов на основе ТРИЗ / Т. В. Погребная, А. В. Козлов, О. В. Сидоркина. – Красноярск, 2010.
37. Сухова Л. В. Некоторые приемы формирования критического мышления на уроках русского языка. – Санкт-Петербург, 2006.
38. Фаберман Б.Л., Мусина Р.Г., Джумабаева Ф.А. Современные методы преподавания в вузах. – Ташкент, 2001.
39. Щукин А.Н. Интенсивные методы обучения иностранным языкам. – М., 1999.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati. 2004, UNDP DDI Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiv.uz](http://www.glossaiv.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publislVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
9. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
10. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
11. [www.paxta.uz](http://www.paxta.uz)
12. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
13. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
14. [www.edu.uz](http://www.edu.uz) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
15. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
16. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
17. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
18. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
19. <http://learnenglish teens.britishcouncil.org/>

**“ИШЛАБ ЧИКИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш

Бош илмий-методик маркази

Директор \_\_\_\_\_

У.Ш.Бегимжолов

“ \_\_\_\_\_ ” 201\_ й.

М.Ў.



**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Янги дастурлар ва уқув адабиётларнинг жорий қилинишини назорат қилиш Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиги \_\_\_\_\_

О.Ш.Имомов

“ \_\_\_\_\_ ” 201\_ й.

М.Ў.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ректор \_\_\_\_\_

Г.Х.Рахмонов

“ \_\_\_\_\_ ” 201\_ й.

М.Ў.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази

Директор-проректор \_\_\_\_\_

У.Б.Ашъов

“ \_\_\_\_\_ ” 201\_ й.

М.Ў.

